



ТУРЛИ ГЕОГРАФИК ХУДУДЛАРДА ҚОВУН ПАШШАСИ (*MYIOPARDALIS PARDALINA* BIG.) НИНГ ТАРҚАЛИШ ЭКОЛОГИЯСИ

Файзуллаев Бурхон Файзуллаевич, Эсиргапова Умида
Хасановна

Самарқанд давлат университети,

б.ф.н., доцент

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7161716>

ARTICLE INFO

Received: 01st October 2022

Accepted: 04th October 2022

Online: 08th October 2022

KEY WORDS

агроценоз, имаго, личинка,
тухум, хитинлашган, тухум
қўйғич, сегмент, сохта пилла,
сохта ғумбак, зоогеографик.

ABSTRACT

Ушбу мақола қовун пашшасининг турли географик
худудларда тарқалиш экологиясини ва унинг зарар
келтириш хусусиятларини ўрганишга бағишланган.
Қовун пашшаси (*Myiopardalis pardalina* Big.) ер юзида
полиэкинларини ашаддий зараркунандаси бўлиб,
зоогеографик тарқалиши жихатидан ҳам бошқа
ҳайвонларга нисбатан устун ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда бутун дунё бўйича бир қанча долзарб муаммолар юзага келган. Жумладан, аҳоли сони ортиб бориши билан бирга озиқ-овқат муаммоси ҳам келиб чиқади. Қишлоқ хўжалик экинларидан юқори сифатли, мўл-кўл ҳосил олиш учун фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш, серҳосил ўсимлик навларини яратиш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш билан бирга экинларга зиён етказувчи зараркунандаларни аниқлаш ҳамда уларнинг биоэкологик хусусиятларини ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Республикамызда полиэгроценози зараркунанда ҳашаротларини ўрганиш борасида бир қанча илмий ишлар олиб борилган [4]. Лекин шунга қарамасдан Ўзбекистоннинг, хусусан Зарафшон воҳаси зараркунанда ҳашаротларининг биологияси, экологияси ва тарқалиш ареали етарлича ўрганилмаган. Қовун пашшаси ҳақида мавжуд адабиётлар ва

манбалар етарли эмас. Мазкур зараркунандаларнинг биоэкологик хусусиятлари ва келтирилган зарари тўлиқ ўрганилмаган экан, унга қарши қийинчилик туғдириши табиий [4].

Биз 2017-2018 йиллар давомида полиэгроценозида қовун пашшасининг тарқалиши ва биоэкологик хусусиятларини ўрганиш бўйича Самарқанд вилоят Ургут тумани полиэкинлик хўжаликларида кузатиш ишлари олиб бордик.

Қовун пашшаси (*Myiopardalis pardalina* Big.) ер юзида полиэкинларини ашаддий зараркунандаси бўлиб, зоогеографик тарқалиши жихатидан ҳам бошқа ҳайвонларга нисбатан устун ҳисобланади.

Вояга етган пашша (имаго) сариқ ёки оч зарғалдоқ тусли, кўкраги бўйлаб иккита равшан йўл ўтган. Елкасида еттита ҳар хил фигурали қорамтир нуқталари бор. Қанотларида учтадан сариқ кўндаланг йўли бўлиб, чеккасидагиси U



кўринишдаги шаклга эга. Аслида қовун пашасининг лотинча номи *Myiopardalis pardalina* унинг танасидаги йўл - йўл сариқ чизиқлар леопардникига ўхшаганлиги учун берилган. Орқа оёқ сонлари бир мунча йўғон. Эркагининг катталиги 5-6 мм келади. Урғочисининг қорни учида хитинлашган тухум қўйгичлари билан ёш қовун мевасини бемалол тешиб, тухумларини жойлайдиган, тухум қўйгичи бор [1]

Олиб борилган кузатувлардан маълум бўлишича, битта пашша 110- 153 тагача тухум қўяди. Қовун катталашиб, пўчоғи қалинлашган сари пашша унга тухум қўймайди, чунки тухумдан чиққан личинкалар қалин пўстни тешиб ичига кира олмайди.

Пашша тухумлари бинокуляр остида кўрилганда дуксимон шаклида чўзинчоқ оқ, узунлиги 1 мм келади. Тухумида махсус қовурғалар аниқ кўринмайди, тухумларида маълум даражада ёпишқоқлик мавжуд. Қўйилган тухумларидан 2-5 кундан сўнг личинкалар чиқиб қовун мағзи билан озикланиб, уруғига қараб ҳаракатланади [1]

Қурти - оқ, танасининг олдинги учидан орқа учига қараб секин- аста йўғонлашиб боради. Қорнининг орқа учи тикка кесилиб тушган. Сўнгги сегментининг учида иккита дўмбоқчаси бор. Қуртининг узунлиги 1 см келади [1]. Сохта пилласи - хитинлашган, чўзинчоқ, овал шаклда, сариқ - қўнғир тусда, узунлиги 0,7 - 0,8 мм келади. Кузда ҳашарот ана шу пиллаларда қишловчи босқичини тупроқнинг 10-15 см чуқурлигида ўтайди. Асосан, пашшанинг 2-3 насли қуртлари сохта пилла ўраб, қишловга кўпроқ кетиши кузатилади. Баҳорда шу ғумбакларнинг 30% дан пашшалар учиб чиқади [1].

Қовун пашшасининг турли ёшдаги индивидларининг миқдор ва сифат кўрсаткичларини ўрганиш юзасидан тадқиқот олиб борилди. Бунинг учун қовун даласидан турли ёшдаги ва ривожланиш босқичидаги индивидлар йиғиб олиниб, танасининг узунлиги, вазни ўлчанди. Шунингдек, ёшига боғлиқ ҳолда тана рангини ўзгариб бориши қайд қилинди.

Қовун пашшасининг турли ривожланиш босқичларидаги миқдор ва сифат кўрсаткичлари

Ривожлаиш босқичи		Танасининг узунлиги, мм	Оғирлиги гп	Ранги
Имаго	1-авлод	5,8-6,2	0,03	Хира сариқ, оч зарғалдоқ
тухум	1-авлод	1	0,001	Оқ
Қуит	1-авлод	10	0,06	Оқ, суцимон
Гумбак	1-авлод	7-8	0,014	Қўнғир-сариқ
Имаго	2-авлод	5,6 -6,1	0,03	Хира сариқ, оч-зарғалдоқ
тухум	2-авлод	1	0,001	Оқ
Қурт	2-авлод	9,6	0,05	Оқ, суцимон
Гумбак	2-авлод	6,7-7,6	0,012	Қўнғир-сариқ



Имаго	3-авлод	5,5-6,5	0,02	Хира-сарик, оч зарғалдоқ
тухум	3-авлод	1	0,001	Оқ
Қурт	3-авлод	9,5	0,04	Оқ, суцимон
Ғумбак	3-авлод	6,5-7,4	0,0011	Қўнғир-сарик

Лаборатория шароитида ва дала шароитида қовун пашшасининг ривожланишига ҳарорат ва намликнинг таъсири ўрганиб чиқилди. Бунда ҳар кунги ўртача ҳарорат ва намлик ўлчаниб, қовун пашшасининг ривожланишига бу омилнинг таъсирига оид фенологик кузатиш олиб борилди.

Ўтказилган тажрибалар ва фенологик кузатувларнинг кўрсатишича, “Қовун пашшаси” тупроқ ҳарорати +20° С даражадан ошганда ғумбакдан учиб чиқади. Зарафшон воҳаси шароитида у тўлиқ икки авлод бериб ривожланиши кузатилди.

Биринчи насли қовун ёппасига гуллаш пайтида, июн ойининг биринчи декадасида қайд қилинди. Пашшалар 3-6 кун давомида қўшимча озиқланиб, жинсий жиҳатдан етилганидан сўнг тухум қўя бошлайди. Тухумларини гуллаб турган қовунни янги ҳосил бўлган гул ва мевасига қўйиб чиқади.

Имоголари ҳаво ҳарорати 20 - 23,3°С бўлганда тупроқдаги ғумбаклар ичида ривожланиб бўлгач, ер юзасига учиб чиқади. Бу давр июн ойининг 1 - декадасига тўғри келади ва вояга етган қовун пашшаси тез орада ўз тухумини уруғочи гулга ва ёш қовун мевасининг олдинги томонига (қовун пўсти олдида) 1та ёки бир нечтадан қўйиши аниқланди. Уруғочи пашша ҳаммаси бўлиб 125-130 тухум қўяди. Тухумларнинг ривожланиши ҳавонинг ўртача ҳарорати 26° С бўлганда 2-5 кунни ташкил қилди. Тухумдан чиққан

қуртлари 16-18 кун атрофида қовун мевасининг ичида ривожланиди. Қурт қовун меваси ичидаги даврида қовуннинг эти, шираси ва унинг уруғи билан озиқланиб, қовунни ейишга яроқсиз ҳолатга келтириб қўяди. Ҳаво ҳарорати 20,6 - 25,4°С бўлганда қовун ичидан чиққан қурт тупроқнинг 10 - 12 см чуқурлигига кириб ғумбакка айланади. Ғумбаги эса 10-16 кун ичида ривожланади. Қовун гуллаб турган вақтда вояга етган пашша тупроқдан чиқади ва 5-10 кун ичида тухум қўя бошлайди. Ёғин миқдори бу даврда 3 мм ни ташкил қилади, яъни ушбу давр август ойларига тўғри келади. Сентябр ойида ҳарорат минимум 13,6° С, максимум 20°С, ойлик ёғин миқдори 17 мм бўлганда қуртларининг ривожланиши 18-20 кунни ташкил қилади. Октябр ойида ёғин миқдори 20 мм, ҳарорат 6° С бўлганда эса қуртларининг ривожланиши 18-25 кунга чўзилади. Совуқ тушиши билан ғумбакка айланган индивид қишлаб қолади. Барча авлод имаголари нобуд бўлади.

Ҳар бир наслнинг ривожланиш оралиғи ўртача 23-30 кунга тўғри келади. Ҳашаротнинг 2 насли қурти сохта ғумбакка айланиб, сентябр ва октябр ойида қишлоғга кўпроқ кетиши кузатилди. Кузатувдан маълум бўлишича, қовун ичидан чиққан қурт шу зарарланган қовун атрофида тупроқнинг 5-15 см чуқурлигида сохта ғумбак ҳолида қишлоғга кетади. Дала



тажрибасида ва лаборатория шароитида ҳашаротнинг ривожланиши кузатишганда, пашша битта қовунга 4 - 5 тадан 40- 50 тагача тухум қўйиши маълум бўлди. Демак, битта қовун ичида шунчалик кўп пашша қуртининг ривожланишини кўз олдимизга келтирсак, бу қурт қовун мағзини ва уруғини еб, қовунни тамомила яроқсиз ҳолга келтириб, чириб кетишига сабабчи бўлиши мумкин.

Лаборатория шароитида махсус дока билан ўралган бонка ёки садокда

ҳашаротнинг ривожланишини ўрганиш бўйича кузатув олиб борилди. Пашша асосан ёш қовунни, ҳатто энди пайдо бўлаётган найчани ҳам зарарлайди. Қовуннинг пўчоғи қалинлашган сари унга пашшанинг тухум қўйиши қийинлашади. “Қовун пашшаси” нинг ривожланиш биологиясини ўрганиш давомида унинг қуйидаги босқичи аниқланди; етук пашша, тухум, қурт ва сохта гумбак.

References:

1. Бекчанов Х.У. ва бошқалар. Қовун пашшаси (*Myiopardalis pardalina* Big.) нинг биоэкологик хусусиятлари. Урганч. 2010.
2. Сулаймонов Б.А., Хасанов Б.А., Холмуродов Э.А. и др. Вредители и болезни бахчевых и тыквенных культур и меры борьбы с ними. Ташкент – 2005. С-18-39.
3. Файзуллаев Б., Мирзамуродов О. Вредоносность бахчевой коровки. Республика илмий амалий конференция материаллари тўплами. Бухоро 2015 й. 4-5 июн. 255-256-бетлар.
4. Халимов Ф. З. Особенности взаимоотношений капустных мух и их энтомофагов на разных по устойчивости сортах капусты. Автореферат диссертации к.б.н. С.-Петербург-1995.
5. Хамраев А.Ш., Насриддинов К. Ўсимликларни биологик ҳимоялаш. А.Қодирий номидаги “Халқ мероси” нашриёти. Тошкент, 2003. 62-68-бетлар.